# ШАРТНОМА № 6

Чорток шахар　　　　　　　　　　　　　　　　　　　　2022й. "11" Май

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи "MEGA STAR SAVDO" MCHJ номидан иш кўрувчи **Отатиллаев Абобакир Акрамжанович** бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи Чорток туман хокимлиги номидан бюджет ташкилоти рахбари А.Отаходжаев иккинчи томондан 2022 йил №40183-сонли лотта асоси мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

**I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор га " ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги Қурилиш материаллари (кейинги ўринларда "товар" деб юритилади)ни етказиб бериш. Етказиб бериладиган товарларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш муддати қуйидагича белгиланган.

| № | Махсулотлар номи | Улчов бирлиги | Мик-дори | Нархи | Жамъи Суммаси | НДС | | Умумий суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Фоиз (%) | Суммаси | |
| 1 | Кирпич жженый 6х12х25 см | дона | 27500 | 695 | 16619565 | 15% | 2492935 | 19112500 |
| 2 | Доска обрезная (пиломатериал) 5х15х600см | М3 | 22 | 435 | 83791304 | 15% | 12568696 | 96360000 |
| 3 | | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | | |
| 7 | | | | | | | | |
| 8 | | | | | | | | |
| 9 | | | | | | | | |
| | **ЖАМИ:** | | | | | | | **115 472 500** |

**II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

2.1. Мазкур шартноманинг бахоси **Жами: 115 472 500 (Бир юз ун беш миллион турт юз етмиш икки минг беш юз )** сўмни ташкил этади.

2.2. "Харидор" олинадиган товарлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни __30__ фоиз аванс тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 15 кун муддат ичида товарларни "Харидор"га етказиб беради.

2.4. "Харидор" тақдим этилган хужжатларга асосан 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил хисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган махсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда хисоб-китоб қилинади.

2.6. Олинадиган махсулотлар нархи учун "Харидор" жавоб беради.

**III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. "Харидор"нинг хукук ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги махсулотларни етказиб берилишини талаб қилиш;

Етказиб бериладиган махсулотлар қийматини хаққонийлиги «Харидор» зиммасида булади.

3.2. "Етказиб берувчи" қуйидаги хуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган махсулотлари учун олдиндан хақ тўланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб қилинишини "Харидор"дан талаб қилиш;

Махсулотларни мазкур шартномага асосан "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

**IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тартда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд махсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга хақлидир, бу хақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг _0.01__ фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг __0.01___фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган товарлар учун ўз вактида хақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг _0.01_____ фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг __0.01___ фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар коплашишидан озод этмайди.

## VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларини хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга хақлидир.

6.3. Форс-мажор холати, яъни томонларга боғлиқ булмаган холатлар ( ёнгин, сув тошқини шу каби енгиб булмайдиган кучлар ) юз берган тақдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома «Харидор» ва «Етказиб берувчи» томонидан тасдиқлангандан сўнг хамда Худудий Газначилик булинмаси томонидан руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва **2022 йил « 31 » декабрга** қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хақиқий хисобланади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

| «Етказиб берувчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| "MEGA STAR SAVDO SENTER" МЧЖ | Чортоқ туман хокимлиги |
| Адрес : Чорток ш.Юксалиш МФЙ Енгилик кучаси | Адрес: Чорток шахар Истиклол хиёбони 24 уй |
| Тел: +998995100012 факс: | Тел./факс 694121315 |
| х/р 20208000705181886001 | х/в* 100022860142367063100018001 |
| Банк номи: АТБ Агро банк Чортоқ филиали | ИНН 201765735 |
| МФО 00256 | ОКОНХ 97200 |
| ИНН 307147697 | Ўзб. Рес. Молия Вазирлиги Газначилиги |
| | Газна х/в 23402000300100001010 |
| | Банкнинг номи Марказий банк Тошкент МФО 00014 |
| | газначилик бўлимнаси СТИРИ 201122919 |
| Рахбар ____________ А.Отатиллаев | Рахбар ____________ А.Отаходжаев |
| (Ф И Ш) (имзо) | (Ф И Ш) (имзо) |

MEGA STAR SAVDO SENTER

Юрист: З. Хакимов

№ 006645

Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ
солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги
маълумотлар базасини шакллантириш ва
юритиш тартиби тўғрисидаги
низомга 6-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида

# ГУВОҲНОМА

# УДОСТОВЕРЕНИЕ

о регистрации в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан и присвоении идентификационного номера налогоплательщику

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ - ЮРИДИК ШАХС
НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИК - ЮРИДИЧЕСКОЕ ЛИЦО

| | |
|---|---|
| Тўлиқ номи:<br>Полное наименование: | "MEGA STAR SAVDO SENTER"<br>MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT |
| Қисқача номи:<br>Краткое наименование: | "MEGA STAR SAVDO SENTER" MCHJ |

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинди ва унга қуйидаги солиқ тўловчи идентификация рақами (СТИР) берилди:

Зарегистрирован в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан и ему присвоен идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):

| | | |
|---|---|---|
| 307147697 | СТИР берилган сана:<br>Дата присвоения ИНН: | 18.02.2020 |
| Рўйхатга олинган ДСИ:<br>Зарегистрирован в ГНИ: | | Чортоқ тумани |

Ушбу Гувоҳнома Давлат солиқ қўмитасининг интернетдаги расмий сайти орқали шакллантирилган ва чоп этилган

Данное Удостоверение сформировано и распечатано через официальный сайт Государственного налогового комитета

Гувоҳнома чоп этилган сана:
Дата распечатки удостоверения: 10.05.2022 10:36:56

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI**
**CHORTOQ TUMANI HOKIMINING**

# FARMOYISHI

**161000, Chortoq shahri Istiqlol hiyoboni ko'chasi 24 uy**

2022 йил «26» январь 6-6-88-F/22 Чортоқ туман ҳокимлиги

**Чортоқ туман ҳудудида оғир шароитдаги маҳалла фуқаролар йиғинларини ичимлик суви таъминотини яхшилаш ҳамда "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш, "Аёллар ва Ёшлар дафтарлари" учун маблағлар ажратиш тўғрисида**

Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг 2022 йил 24 январдаги VI-29-4-6-0-К/22-сонли қарорини туманда ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунини 6, 25- моддаларига мувофиқ:

1. Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг 2022 йил 24 январдаги VI-29-4-6-0-К/22-сонли қарори раҳбарлик ва амалда бажариш учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг қарори билан:

Чортоқ туман ҳудудида оғир шароитдаги маҳалла фуқаролар йиғинларини ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида "ПҚ-4102-сонли қарорига асосан, Чортоқ туман маҳаллий бюджетига, Наманган вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан **2 976.1 (икки миллиард тўққиз юз етмиш олти миллион бир юз минг ) сўм** 1-иловага асосан,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли қарори ижросини туманда бажариш ва маблағларининг шаклланиши ҳамда сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида, 2022 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан 30 фоиз миқдорини, яъни **330 800.0 (уч юз ўттиз миллион саккиз юз) минг сўм,**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларни қўллаб қувватлаш уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 5 мартдаги

ПҚ-5020-сонли қарорига кўра, "Аёллар дафтари" жамғармасига 15 фоиз миқдорини, яъни **165 400.0 (бир юз олтмиш беш миллион тўрт юз)минг сўм,**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 11 мартдаги 132-сонли қарорига кўра "Ёшлар дафтари" жамғармасига 15 фоиз миқдорини, яъни **165 400.0 (бир юз олтмиш беш миллион тўрт юз)минг сўм** маблағ 2-иловага асосан тегишли жамғарма ҳисоб рақамига маблағлар йўналтирилсин;

Чорток тумани ҳокимлигига маблағлар йўналтириш юзасидан туман ҳокимининг тегишли фармойишини қабул қилиш вазифалари юклатилганлиги;

вилоят ҳокимлигининг Молия бош бошқармаси бошлиғи (З.Бахриддинов)га ажратилган маблағларни Чортоқ туман маҳаллий бюджетига ўрнатилган тартибда ўтказиб бериш, вилоят бўйича Ғазначилик бошқармаси бошлиғи (А.Тўраев)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш ҳамда вилоят давлат Молиявий назорат бошқармаси бошлиғи (Ф.Салохитдинов)га ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиб бориш вазифалари топширилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Умурзаков) ҳамда бош ҳисобчиси (А.Боймирзаев)ларга:

молиялаштириш манбасини очиш учун белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларни молия ва ғазначилик органларига тақдим этилишини ташкил этиш;

ажратилган маблағлардан тўғри, мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. Туман молия бўлими (Д.Вахабов)га белгиланган тартибда харажатлар сметасига ўзгартириш киритиш ҳамда мазкур маблағларни туман ҳокимлигига ўтказиб бериш, туман ғазначилик бўлими (Ф.Қамбаров)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш вазифалари топширилсин.

5. Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (А.Тожибоев) мазкур фармойиш билан ажратилган маблағлар тўғрисида ҳисоботларни халқ депутатлари туман Кенгашининг йиғилишида муҳокама этилишини ҳамда туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилишини назоратга олсин.

6. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Умурзаков зиммасига юклансин.

**Туман ҳокими** **А.Отаходжаев**

Чортоқ туман ҳокимининг
2022 йил 26 январдаги
6-6-88-F/22-сон фармойишига
1-илова

**Чортоқ туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил бошига шакилланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан туман ҳудудидаги оғир шароитдаги маҳалла фуқаролар йиғинларига ичимлик суви таъминотини яхшилаш харажатлари учун**

| № | Туман номи | Жами | Ичимлик суви таъминотини яхшилаш харажатлари учун | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Сув трубаси сотиб олиш харажатлари учун | Сув иншоати харажатлари учун |
| 1 | Чортоқ туман | 2976,1 | 1376,1 | 1600 |